
Тезкор! Коронавирус тарқалган ёки ундан холи туманлар ажратилди (рўйхат)

Жорий йилнинг 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида президент Ш.Мирзиёев томонидан мамлакатимизда коронавирус билан боғлиқ вазият яхшиланиб, ижобий томонга ўзгариб бориши билан, ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш таъкидланганди.

Шу муносабат билан, Республика махсус комиссиясининг 2020 йил 8 майдаги йиғилиши баёнига мувофиқ, Республикада коронавирус инфекцияси тарқалиш ҳолатининг ҳудудлар кесимидаги таҳлили, касаллик аниқланган беморларнинг даволаниш (соғайиш) динамикаси ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, республика ҳудудлари жорий йилнинг 11 майдан эътиборан ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР ДАРАЖАСИДА тоифаларга ажратилади.

Бунда:

- «сариқ» ва «қизил» тоифадаги вилоятларда коронавирус инфекцияси умуман аниқланмаган туманлар (шаҳарлар) «яшил» тоифага киритилади;
- «яшил» ёки «сариқ» тоифадаги вилоятнинг бирор-бир туманида (шаҳрида) коронавирус инфекцияси аниқланадиган бўлса, бутун вилоятнинг тоифасини ўзгартирмаган ҳолда, тегишли туманнинг (шаҳарнинг) ўзи «қизил» тоифага ўтказилади.

“ЯШИЛ” ТОИФАДАГИ ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий ахборот
телеграм-канали



МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БИРЛИКЛАР	ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР
ҚОРАҚАЛПО-ФИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	Амударё тумани, Беруний тумани, Қанликўл тумани, Қораўзак тумани, Кегейли тумани, Мўйноқ тумани, Нукус тумани, Тахтақўпир тумани, Тўрткўл тумани, Хўжайли тумани, Чимбой тумани, Шуманай тумани, Элликқалъа тумани, Тахиатош тумани, Бўзатов тумани
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ	Хонобод шаҳри, Балиқчи тумани, Бўз тумани, Булоқбоши тумани, Избоскан тумани, Қўрғонтепа тумани, Марҳамат тумани, Улуғнор тумани, Хўжаобод тумани
БУХОРО ВИЛОЯТИ	Когон шаҳри, Бухоро тумани, Вобкент тумани, Когон тумани, Қоровулбозор тумани, Пешку тумани, Ромитан тумани, Шофиркон тумани
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ	Жиззах шаҳри, Арнасой тумани, Бахмал тумани, Фаллаорол тумани, Шароф Рашидов тумани, Дўстлик тумани, Зомин тумани, Зарбдор тумани, Зафаробод тумани, Мирзачўл тумани, Пахтакор тумани, Фориш тумани, Янгиобод тумани
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ	Қарши шаҳри, Шаҳрисабз шаҳри, Дехқонобод тумани, Қамаш тумани, Қарши тумани, Косон тумани, Касби тумани, Китоб тумани, Миришкор тумани, Муборак тумани, Нишон тумани, Чирокчи тумани, Шаҳрисабз тумани, Фузор тумани, Яккабоғ тумани
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ	Навоий шаҳри, Кармана тумани, Конимех тумани, Қизилтепа тумани, Навбахор тумани, Нурота тумани, Томди тумани, Учқудуқ тумани
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ	Косонсой тумани, Мингбулоқ тумани, Тўрақўрғон тумани, Чортоқ тумани
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ	Каттақўрғон шаҳри, Каттақўрғон тумани, Қўшработ тумани, Нарпай тумани, Нуробод тумани, Пахтачи тумани, Ургут тумани
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ	Қизирик тумани, Музробод тумани, Узун тумани, Бандихон тумани
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ	Ширин шаҳри, Оқолтин тумани, Боёвут тумани, Гулистон тумани, Сайхунобод тумани, Сирдарё тумани
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ	Олмалиқ шаҳри, Оҳангарон шаҳри, Бекобод шаҳри, Нурафшон шаҳри, Оҳангарон тумани, Бўстонлиқ тумани, Бўка тумани, Пискент тумани
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ	Фарғона шаҳри, Қўқон шаҳри, Қўштепа тумани, Бағдод тумани, Бешариқ тумани, Сўх тумани, Бувайда тумани, Ўзбекистон тумани, Данғара тумани, Риштон тумани, Учқўприк тумани, Фарғона тумани, Фурқат тумани
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ	Тупроққалъа тумани, Хива шаҳри, Боғот тумани, Хонқа тумани, Қўшқўпир тумани, Янгиариқ тумани, Хива тумани, Шовот тумани, Янгибозор тумани

келиб чиққан ҳолда, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг таклифи асосида маҳаллалар, даҳалар, мавзелар кесимида амалга оширилиши мумкин.

Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги коронавирус инфекциясининг тарқалиш ҳолатининг ҳар бир туман (шаҳар) кесимидаги таҳлили, касаллик аниқланган беморларнинг даволаниш (соғайиш) динамикаси ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, туман (шаҳар)ларнинг тоифасини ўзгартириш юзасидан доимий равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига таклиф киритиб боради.



“САРИҚ” ТОИФАДАГИ ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий ахборот
телеграм-канали



МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БИРЛИКЛАР	ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ	Жалақудуқ тумани, Шахрихон тумани
БУХОРО ВИЛОЯТИ	Олот тумани, Қорақўл тумани
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ	Зарафшон шаҳри, Хатирчи тумани
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ	Поп тумани, Чуст тумани
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ	Булунғур тумани, Жомбой тумани
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ	Олтинсой тумани, Бойсун тумани, Жарқўрғон тумани, Қумқўрғон тумани, Шеробод тумани, Шўрчи тумани
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ	Гулистон шаҳри, Мирзаобод тумани, Сардоба тумани
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ	Ангрен шаҳри, Чирчиқ шаҳри, Бекобод тумани, Қибрай тумани, Қуйичирчиқ тумани, Ўртачирчиқ тумани, Чиноз тумани, Юқоричирчиқ тумани, Тошкент тумани
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ	Қувасой шаҳри, Тошлоқ тумани, Ёзёвон тумани
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ	Урганч шаҳри, Гурлан тумани, Урганч тумани, Хазорасп тумани
ТОШКЕНТ ШАҲРИ	Бектемир тумани, Мирзо Улуғбек тумани, Миробод тумани, Олмазор тумани, Сергели тумани, Учтепа тумани, Яшнобод тумани, Чилонзор тумани, Шайхонтохур тумани, Юнусобод тумани, Яккасарой тумани

вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун амалга оширилиши назарда тутилган фаолият турларига рухсат берилади.

Муайян туман (шаҳар) «қизил» тоифага ўтказилганда, тегишли ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) тоифасидан қатъи назар ушбу туман (шаҳар)да «қизил» тоифа учун назарда тутилган барча карантин чекловлари тўлиқ жорий этилади.

- «Яшил» ва «сарик» тоифадаги ҳудудларда савдо мажмуалари фаолиятига ижтимоий масофани сақлаган ҳолда рухсат берилади;
- бунда ушбу мажмуаларнинг аттракцион, кўнгилочар, овқатланиш бўлинмалари, кинотеатр ва ўйин майдончалари фаолиятига рухсат берилмайди.

Йўналишсиз таксиларда йўловчи ташишга ҳамда сартарошхона (гўзаллик салонлари) фаолият юритишига фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида «яшил» ва «сарик» тоифадаги ҳудудлардагина рухсат берилади.

Агарда муайян ҳудуд «қизил» тоифага кириб, унинг таркибидаги туман (шаҳар)лар «сарик» ва «яшил» тоифаларга кирган тақдирда, ушбу туман (шаҳарлар)да йўналишсиз таксиларга йўловчи ташишга ҳамда сартарошхона (гўзаллик салонлари) фаолият юритишига йўл қўйилмайди.



“ҚИЗИЛ” ТОИФАДАГИ ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР

Адлия вазирлигининг
Ҳуқуқий ахборот
телеграм-канали



МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИКЛАР	ТУМАН (ШАҲАР)ЛАР
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	Нукус шаҳри, Қўнғирот тумани
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ	Андижон шаҳри, Олтинқўл тумани, Андижон тумани, Асака тумани, Пахтаобод тумани
БУХОРО ВИЛОЯТИ	Бухоро шаҳри, Ғиждувон тумани, Жондор тумани
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ	Наманган шаҳри, Наманган тумани, Норин тумани, Уйчи тумани, Учқўрғон тумани, Янгиқўрғон тумани
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ	Самарқанд шаҳри, Оқдарё тумани, Иштихон тумани, Пайариқ тумани, Пастдарғом тумани, Самарқанд тумани, Тойлоқ тумани
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ	Термиз шаҳри, Ангор тумани, Денов тумани, Сариосиё тумани, Термиз тумани
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ	Янгиер шаҳри, Ховос тумани
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ	Янгийўл шаҳри, Оққўрғон тумани, Зангиота тумани, Паркент тумани, Янгийўл тумани
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ	Марғилон шаҳри, Олтиариқ тумани, Қува тумани

қуйидаги талаблар сақлаб қолинади:

- ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаш, 3 кишидан ортиқ йиғилмаслик, фуқароларнинг тиббий ниқобдан ҳамда антисептик воситалардан фойдаланиши;
- таълим ташкилотлари (боғча, мактаб, лицей, коллеж, техникум, институт, университет ва бошқалар), ўқув курслари фаолиятини йўлга қўймаслик;
- кўнгилочар объектлар — тунги клублар, дискотека, ресторан, кафе, ошхона, чойхона, спа ва массаж салонлар, караоке, бильярд заллари, чилим (кальян) ва компьютер ўйинлари марказлари фаолиятига йўл қўймаслик;
- барча турдаги оммавий тадбирлар — концерт, театр, кинотеатр, музей, спорт тадбирлари, оилавий тантана, тўй, маърака ва маросимларни (дафн маросимлари 10-15 кишидан кўп бўлмаган ҳоллар бундан мустасно) ўтказмаслик;
- жамоат транспорти ҳаракатига рухсат бермаслик;
- деҳқон бозорлари ва озиқ-овқат савдо нуқталари (супермаркет ва бошқа йирик дўконлар) кириш-чиқиш жойларини пирометрлар ва антисептик воситалар билан жиҳозлаш ҳамда ҳар бир фуқаронинг тана ҳароратини ўлчаб, 37 С ва ундан юқори бўлган ҳолатда, ушбу мажмуаларга киритмаслик чораларини кўриш;
- барча ташкилотлар кириш-чиқиш жойларини пирометрлар ва антисептик воситалар билан таъминлаш ҳамда ходимлар томонидан ижтимоий масофа (2 метр)ни сақлаган ҳолда фаолият юритишини таъминлаш учун биринчи раҳбарлар шахсан масъуллиги;
- қурилиш-таъмирлаш ишларида объектларнинг ҳудуди тўлиқ карантинга олиниши ва ҳудудий санитария-эпидемиология осойишталик марказлари билан биргаликда объектларда санитария-гигиена тадбирларининг амалга оширилиб борилиши. Бунда, ушбу ташкилотларнинг фаолият олиб бориш даврида санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя қилиши, ўз фаолиятини фақатгина тегишли объект ҳудуди доирасида ташкил этиши.

Ўз навбатида, «қизил» тоифага кирувчи ҳудудларда карантин чекловлари талабларини бажармаслик, шунингдек «яшил» ва «сарик» тоифага кирувчи ҳудудларда рухсат берилган фаолият турларини ўрнатилган махсус талабларга риоя этмаган ҳолда амалга ошириш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

2020-05-10 08:37:32